ХОЛЛИ ФЕСТИВАЛИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Тошкент - 2024 йил

Лойиҳанинг мақсади:

Хизмат кўрсатиш соҳасида инсонларнинг кайфиятини кўтарувчи тадбиркларни ташкил қилиш орқали даромад топиш имконияти мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Мазкур тадбирлардан бири дунёга машҳур бўлган фестивал Холли фестивалидир. Бунинг асосий мақсади инсонларни дам олишлари учун қўшимча шароит ва имконият яратишдир.

Савдо бозорининг мақсади ва баҳосининг хусусиятлари:

- ушбу бизнес йўналишини танлаш, бугунги кунда мамлакатимизда турли фестиваллар ташкил қилиш орқали даромад топиш кундан кунга ривожланиб бормоқда, бироқ бозорда бу каби хизматларни таклиф қилувчи тадбиркорлик субъектлари кам бўлганлиги сабабли юқори даромад келтирувчи хизмат тури ҳисобланади.

Бизнеснинг қуйидаги хатарлари мавжуд:

1) Об ҳавони олдиндан режалаштириш имконияти мавжуд эмаслиги

Хавфли вазиятларни ҳал қилиш ва олдини олиш:

1. Об ҳавони олдиндан билиш имконияти бўлмаганлиги боис, ташкилотчи ушбу тадбирни турли кўнгилсиз ҳолатларни олдинини олиш мақсадида усти ёпиладиган жойларда ташкил қилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ЛОЙИҲА ТУРЛАРИ

Лойиҳани амалга ошириш учун ташкилотчи қуйидаги кетма кетлик билан ишни амалга оширади:

1. Тадбирни ўтказиш учун ташкилотчи авваллом бор, ўтказиладиган ҳудуднинг ҳокимият, ИИБ, ФВБ, Соғлиқни сақлаш ташкилотлари билан келишувни амалга ошириши лозим ҳисобланади. Бунинг асосий мақсади тадбирни хавфсиз ўтказишдир.

Бундан ташқари тадбиркор томонидан:

1. Холии фестивалини ўтказиш учун мақбул жой танлаш;

2. Харажатлар ва даромадлар режаси бўйича бизнес стратегиясини ишлаб чиқиш;

3. Ўзбекистон Республикаси Туман ҳокимияти, ИИВ, ФВВ, Соғлиқни сақлаш, Солиқ ташкилотланининг тегишли хулосалари олинади;

4. Ташкилиш ишлар учун қилинадиган харажатлар учун инвстиция жалб қилиш;

5. Фестивал учун зарур бўладиган асбоб ускуна ва буюмлар хариди ёки ижараси учун олдиндан таъминотчи топиб қўйиш;

6. Фестивал ўтказиладиган кун муносабати билан олдиндан турли рекламалар ўтказиш;

7. Тахминий иштирочилар сонини режалаштириш;

8. Фестивал дастурини ишлаб чиқиш;

9. Ҳодимларни олдиндан тайёрлаб қўйиш ёки ишончли ҳодим топиб берадиган рекруитер ташкилотларига мурожаат қилиш;

Шунингдек, қуйида кўрсатилган Потенциал талабларга таъсир этувчи омилларни кўзда тутиш бизнесни ривожланишига сабаб бўлади.

- ҳудудда таклифнинг талабдан кам бўлиши (хизмат кўрсатиш дефицити) – яъни таклифнинг ҳаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, мижозларнинг дефицитга айланган хизматга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади;

- мижозлар (жисмоний ва юридик шахслар) оқими даражаси – яъни мижозларнинг оқимининг ошиб бориши хизмат харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча камайиши потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади;

- ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир килиш;

- рақобатбардошликни таҳлил қилиш ва рақобат сиёсатини аниқлаш;

- ташкил қилинаётган ҳудуддаги аҳоли сони (улардан 18-40 ёшгача бўлганини), тадбиркорлик субъектлари сони, йирик корхона ва ташкилотлари сони, давлат ташкилотлари, банк, микромолия ва ломбардлар ҳамда ташкил қилинаётган хизмат тури бўйича фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар бўйича ўрганиб чиқиш тавсия этилади (маълумотлар stat.uz, cbu.uz, edu.uz сайтларида мавжуд).

Бу инсонларнинг даромади юқори ёки паст эканлигини аниқлаш учун ёрдам беради. Инсонлар шахсий эҳтиёжлари хусусан ҳордиқ олишлари учун ортиқча жамғарма маблағлари бўлиши мақсадга мувофиқ деб

ҳисоблаш;

Фестивал ўтказиш майдон об ҳаво ҳолатини тахминий таҳлил қилиш орқали танлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади;



Ушбу Холли фестивалини имкон қадар шаҳар марказларида, аҳоли гавжум жойларда шунингдек атрофида савдо комплекслари мавжуд масканларда ўтказиш тадбирни даромадли ўтишига сабаб бўлади.

Мазкур тадбирни ўтказишда холли краскалари, кийимлари, қўлга тақиладиган браслет ҳамда ташкилий масалалар учун пул маблағлари талаб қилинади.

Тадбирни ташкил қилиш учун қуйидаги харажатлар амалга оширилади:

•Холли краскаси (ҳар бир инсон учун ўртача 100 граммдан- 1 000 граммгача талаб этилади). Тадбирга ўртача 10 000 киши келади деб режа қилинди. Шунингдек ҳар кишига ўртача 0.7 кг (700 г) холли краскаси зарур бўлади. 10 000*0.7кг=7 000 кг ёки 7 тонна маҳсулот зарур. Россия давлатида 100 грамлик холли краскасининг ўртача нархи (чакана нарх) 38 рублдан сотилмоқда.

Бу бизнинг валютамизда (nbu.uz 05.09.2023 ҳолатига 140 сўм) 1 рубл қиймати 140 сўм бўлиб жами 38*140=5 320 сўм бўлмоқда (улгуржи нархда янада арзон бўлади). 7тонна маҳсулотимиз 7 000 000 грам маҳсулот бўлиб /100гр=70 000 дона маҳсулот керак бўлади. 70 000 дона*5 320 сўм=372 400 000 сўм краскани харидига кетади.

Бундан ташқари уни Россия давлатидан Ўзбекистон ҳудудига олиб киришга жами сумманинг 30 фоизи миқдори қўшимча харажат мавжуд бор деб ҳисоблаган тақдиримизда 372 400 000*30%=111 720 000 сўмга айланмоқда. Жами харажат 111 720 000+372 400 000=**484 120 000** сўмга айланди.

Ушбу суммани кириб келган маҳсулот миқдорига (донага) бўлганимизда ҳар бир дона (пакет) холли краскаси учун ўртача нарх келиб

чиқади. 484 120 000/70 000= 6 916 сўмга айланмоқда.

•Футболка (ҳар бир футболка холли байрамига мослаштириб, дизайн қилиб тайёр маҳсулот шаклига келтириш учун ўртача ҳар бири 12 000 сўмдан тушади. 12 000 сўм*10 000 нафар инсон=**120 000 000** сўм харажат қилинади).

•Холли спрейи (Россия давлатида 670 рубл бўлиб мамлакатимиз пул бирлигида 93 800 сўмни ташкил қилмоқда. Ушбу маҳсулотни Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш билан тайёр сотишгача бўлган нарх миқдори таннархни 30 фоизга ошириш билан қўшиб ҳисобланади. Мазкур ҳолатда 93 800+93 800*30%=121 940 сўм бўлмоқда. Холли спрейидан жами 2 000 дона харид қилинган тақдирда 2 000*121 940=**243 880 000** сўмга айланмоқда);

•Холли хлопушкаси(Россия давлатида 98 рубл бўлиб мамлакатимиз пул бирлигида 13 720 сўмни ташкил қилмоқда. Ушбу маҳсулотни Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш билан тайёр сотишгача бўлган нарх миқдори таннархни 30 фоизга ошириш билан қўшиб ҳисобланади. Мазкур ҳолатда 13 720+13 720*30%=17 836 сўм бўлмоқда. Холли хлопушкасидан жами 2 000 дона харид қилинган тақдирда 2 000*17 836=**35 672 000** сўмга айланмоқда);

•Холли рангли тутуни(Россия давлатида 330 рубл бўлиб мамлакатимиз пул бирлигида 46 200 сўмни ташкил қилмоқда. Ушбу маҳсулотни Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш билан тайёр сотишгача бўлган нарх миқдори таннархни 30 фоизга ошириш билан қўшиб ҳисобланади. Мазкур ҳолатда 46 200+46 200*30%=60 060 сўм бўлмоқда. Холли рангли тутунидан жами 500 дона харид қилинган тақдирда 500*60 060=**30 030 000** сўмга айланмоқда);

•Холли ранглик ўт ўчириш мосламаси(Россия давлатида 2500 рубл бўлиб мамлакатимиз пул бирлигида 350 000 сўмни ташкил қилмоқда. Ушбу маҳсулотни Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш билан тайёр сотишгача бўлган нарх миқдори таннархни 30 фоизга ошириш билан қўшиб ҳисобланади. Мазкур ҳолатда 350 000+350 000*30%=455 000 сўм бўлмоқда. Холли рангли ўт ўчириш мосламасидан жами 100 дона харид қилинган тақдирда 100*455 000=**45 500 000** сўмга айланмоқда);

•Браслет лента-жами 10 000 дона ҳар бирининг ўртача нархи 2000 сўмдан умумий харажат **20 000 000** сўм;

•Баннер-**20 000 000** сўм;

- Турли тақинчоқлар-**20 000 000** сўм (ҳар бир нархи 2 000 сўм) ;
- Ижара тўлови-**15 000 000** сўм;
- Давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтказиш-**330 000** сўм;
- Санъаткорлар-**100 000 000** сўм;
- Бошловчилар-**40 000 000** сўм;
- Ва бошқа харажатлар-**150 000 000** (ичида ИИБ, ФВВ, Соғлиқни сақлаш ва бошқалар учун кетадиган харажатлар киради сўм);

Тадбирни ташкил қилиш учун жами **1 253 972 000** сўм пул маблағи талаб қилинмоқда.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ

Ушбу лойиҳанинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби 20 кишини ташкил қилади. Ишчилар тадбир тугагунга қадар иш фаолиятини амалга оширишади..

МАРКАЗНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Марказни рўйхатдан ўтказиш учун сиз ҳуқуқий шаклни, тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар билан танишишингиз керак. Ҳужжатларни расмийлаштириш “Давлат Хизматлари Маркази” томонидан расмийлаштирилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Холли фестивали ўртача 4 кун давом этади. Тадбир фақатгина ҳафтанинг :шанба ва якшанба кунлари бўлиб ўтади (бунинг асосий сабаби фуқароларда дам олиш куни бўлганлиги учун). Шу сабабли Ҳолли фестивали икки ҳафта давомида ўтказилади. Холли фестивалига киришни билет сотиш орқали ҳисоблаб чиқамиз

•Билет сотиш орқали (холли краска, футболка, браслет-лента, турли тақинчоқлар билет нархи ичида)- Мазкур ҳолатда билет нархи 6916+12 000+2000+2000=22 916 сўм бўлган бўлса, бундан ташқари ташкилий масалалар учун қилинган харажатларни қўшиб чиқамиз ва булар қуйидагилар, Бошқа харажат+Бошловчилар+саънаткорлар+ДХМ+Ижара тўловлари тўлов+Баннер=275 330 000 сўмни ташкил қилди.

Демак бу суммани 10 000 нафар иштирокчи сонига бўламиз, 275 330 000/10 000=27 533 сўм қўшимча харажатлар мавжуд. Мазкур ҳолатда билет таннархи 27 533+22 916=50 449 сўмни ташкил қилмоқда. Ушбу ҳолатда ҳар бир билетни ўртача 80 минг сўмдан қилиб белгилаймиз.

Билет сотиш орқали :

сўм

№	Сотиладиган маҳсулот турлари	Сони	Нархи	Жами
1	Билет	10 000	100 000	1 000 000 000
2	Холли рангли ўт ўчириш ускунаси	100	700 000	70 000 000
3	Холли рангли тутуни	500	120 000	60 000 000
4	Холли хлопушкаси	2 000	35 000	70 000 000
5	Холли спрейи	2 000	185 000	370 000 000
Жами				**1 570 000 000**

МАРКАЗ ХАРАЖАТЛАРИ

Штат жадвали

сўм

	Лавозими	Сони	Битта штат маоши (оклад)	Жами ойлик маош
	Ташкилий ходимлар	20	4 000 000	80 000 000
	ЖАМИ	**20**	4 000 000	80 000 000

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

сўм

ЛОЙИҲАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚИЙМАТИ			
Номи	**Ўз маблағи**	**Кредит маблағи**	**Жами**
Марказни ташкил этиш	1 253 972 000		1 253 972 000
Лойиҳанинг умумий қиймати	**100%**	**0%**	**100%**
Молиялаштириш объектлари			
Ташкил қилиш учун		**1 253 972 000**	**1 253 972 000**

СОФ ТУШУМ ВА СОФ ФОЙДА

сўм

Номланиши	1- йил
Хизматлардан тушган тушумлар	1 570 000 000
Коммуникация харажатлари (вайфай, электр, сув ва бошқа)	30 000 000
Маош ҳаражатлари	80 000 000

Ташкил қилиш учун жами харажат	1 253 972 000
Солиққа қадар тушган даромад	206 028 000
Фойда солиғи 12%	24 723 360
Сой фойда	**181 304 640**